

Сунгий мамлакати ахолисидан Чунгичин ном зот бир адиб бор эди. Бу олами фанога инонмас ва хар замон андин пировоз ва рихлат этмокка толиблик кўлидан келмас эди. Они учун жонини овунтирмок учун хаёлилар фикр ва бефикрга хотур эткувчи ишларга ружуъ этмокла ўзига тасалли берарди. Вафотидан сўнгра дунёни некбахт ва махсудларидан хисобланди.

Чунгичин Хитой музофотларидан биринда номи Хаво тогининг этаklarинда кезар экан, бирдан ўзини бир мозористонда кўрди. Ох, мозористон — минг-минг номунтазам тепачалар садо ва нидодин холи махсус замини маъволар (бошпана, макон). У тепалар остинда чор ва ночор инсон ётарлар эди. Уфки жадид сари тамоман муштагил (банд) кабрларни кўрар-кўрмаз сайёх шу фикрга ботди. Афсус, бутун тириклик хаёт йўлини охири келиб етган жойи будур. Бу икоматга мавт ва манзилга хомушона бир карра кирилдими яна кайтмок мумкин йўк. Бок хотимаи хаёт на ўлди? Чин ахли факат бир тириклик билар. У хаётки шуълаи шамс ила мунаввар, хавои соф ила ихотадур. Чин файласуфи бу фикрларга сирона кабрга-да юрар экан, либоси мотам киймиш ёш бир хотунга рост келди. Бу хотун янгидан тепаланган бир кабр каноринда ўлтуруб кўлинда елпогичи лукурни елпийур ва хам доимий елпийур.

Бу кадар ажиб бир харакат сабабини англамок шавкина тушуб, сайёх ёш бонуга одоб-ла салом берди.

— Хоним, о, бу мозорга ётган кимдур, на учун шу туфрокни муттасил елпимак захматига гирифторсиз, сўрамогим мумкинми?

Мани файласуфим хар иш сабабини билмокчи, аммо сизнинг бу амалингиз асло ихота тафаккуримга кирмайдур, деди. Бечора хотун елпогични елинмоқда муттасил ло-йан катъи давом ётарди. Хотун кизарди, бўзарди, бошини олдингга энгкди. Файласуф беҳуда ерга саволини такрор айтди. Мотамкаш хотундан жавоб эшитмади ва асло кулок бермай жонининг бор куввати-ла елпогични харакатга келтуруб турар эди.

Чунгичин у махалдин мутаассуфона айрилди. Хотуннинг иллат ва сабаб харакатини билмай орзусидин хамда шиддатлик орзусидин ўзини сахлаб билмок эди. Шабпаррак каноти каби мутавалли харакатланиб турмиш елпогичга хар замон дўнуб энг чукур ва мутахаййирона бир-фикр ила бокиб бечора файласуф асло бир шай англамайур эди. Аснои тахаййурда мукобилинда бир ожиза чикиб файласуфни бир кабр канорига имлаб, шу сўзларни сўйлади: «Эшитдимки, хонумдин савол сўрдингиз, аммо жавоб ололмадингиз. Ман орзунгизни дафъ ётарман. Аммо мукобили умид айларманки, сиз хам манга бир неча пул берсангизки, бориб, умрумни узун бўлиши учун дуохонлардин бир тумори сехрангиз олайн». Чунгичин киссасидин окча чикарди ва аъжуза хотун хам бу можарони сўйлади:

«Кабр каноринда кўрганингиз шу хотун Лу исмлик хонимдур. Узун бир беморликдин ўлмиш Тоъу номинда бир адибни беваси ва у кабр ўлган эрининг кабридур. Эр ва хотун яки дигарини шиддатлик бир ишк ва мухаббат ила севарларди. Хатто, охирги нафасинда Тоъу хотунидин айрилмок кулфатидин шикоят ётар, гўзал бу хотинини хануз бахор хаёт ва хуснини ситоратлик замонда ташлаб кетмок дарди фикрига сўзан урарди. Лекин на чора, муктасиъ кадрга тобеъ бўлди, бошка илож йўк.

Беморлик холида Лу хоним хаста Тоъунинг бошидин хеч айрилмас, эридин сўнгра дунёга тирик колмасликни ва болин хаётга иштирокидек карорга, мамотга хам шерик бўлушини ахд ила баён айлади. Лекин Тоъу мунга жавобан: "Зинхор хоним буйла ахд ва ямин

айтмангиз", — дер эди. Хотун: "Агарда сиздин сўнгра шериклик балосига гирифтор бўлиб, кўзларингиз юмулганидан сўнгра шу зиёи офтобни кўрмокга мажбур бўлсам, яхши билингни, бошка бировнинг хотини бўлмокга асло рўйи ризо кўрсатмайман", — деб жавобини берди.

Тоъу: "Хоним бону, зинхор бу фикрдан воз кечинг,—дерди. Тоъу хоним: "Эй Тоъу, кўйингиз асрор этмангиз, бори беш санагача уйланмасликга ахд этойинг".

Лекин бу сафар дея Тоъу: "Бону, бундай ахд этманг, факат мзорим устидаки туфрок куригунча кадар мани унутмасликка ахд этсангиз кифоя..."

Лу хоним муни учун махкам ахд этди. Тоъу иккинчи очмаслик учун кўзини юмди. Бону кадаридин девона каби бўлди. Хумор ва хитойи кўзларидин думуъ (кўз ёшлари) оташин шашкатор жорий, хумои (иситма, касаллик) шадид (шиддатли) махдумлари каби ўзини шаш жихата этарди бедард-бедаво.

Дунё одати узра хар шай кечар. Бу сил гамум ва барои хужумда кечди-кетди.

Ох-нолалар кечмас, факат келмасун — Тоъунинг вафотидин уч кун сўнгра Лу хонимнинг кўзи бир маъкул сифатга кирди. Шуйлаки эрини шогирдларидин бир жавон (ёш йигит) таъзиятга келди. Кадрдон шогирдни ох ва ох ила кабул этди. Бу жавон ниҳоят музайян (безанган) бир чехра сохиби эди. Аснои муколамада бир оз Тоъудин ва кўброк бонудин бахс этди. Беканинг латофат андомидин, гўзаллигидин ва зиёдаси-ла хушлаганидин баён этди. Хоним ҳам андин мамнун ва рози колди. Жавон шогирд яна келишини ваъда ила видоъ этди.

Бир видоъи умидворий...

Содик ул-ваъда Лу хонум у ваъдаларга интизоран, кўргангиз, кабр устига келди.

Кунларни елпогич шамоли-ла эри кабрининг туфрогини курутуб ахд этмокга вакф этар...» Кампир хикояни битирар-битирмас файласуфингиз шу фикрга ботди. Умр киска, ёшлик ширин, ёш хотун ва эрларни завк хаволарга учирар. Хар холда Лу хоним солиха бир хотун эмишки, ахдини паймол этмак истамаз.

## Интихо

Эй кори, хикоянинг хосили мундин иборатдур. Адабиёт жадидаи мустакбала (келажак замон) мизга ракамидин ёдкори хайр илтифотига етса, хўжанди шоир мухтарам Сайрий афандига бир тухфадур. Мутолаасига танзил буюрсалар, шоядки, риштаи назма чекилса, бизу сиздин бир хотираи мустакбала колурди. Бу дахми шеър билмам калбимдин чикди. Мукаддам шоир эмас эдим:

Бу олами хама хайхот бехуда,  
Накши зар об паймуда (омонат)...\*

1909 йил, далви девона, Самарканд, Махмудхўжа ибн Бехбудхўжа.

---

\* Хикоя «Тасодиф» деб номланган дебоча билан бошланиб, унда ушбу ёзилиш тарихи берилган. Муаллиф 1909 йил киш (далв —20 янв.—19 февр.) кунларида гох ўгли Масъудхўжа билан турли дарслиklar мутолаа килар, гох сиххат, мантиска оид китобларни, гох эса турли бадий асарларни кўздан кечирар экан, бир куни ногох мазкур хикояга дуч келиб колади. У буни олдин ҳам кўрган эди. Бехбудий асли хитой

адабиётидан олинган ушбу хикояни ўз калби ва калами билан ўзбек ўқувчисига тақдим этмокчи бўлади. Хикоя «Туркистон вилоятининг газети»да 1909 йилги 12-сонида эълон қилинган. 1995 йил «Ватан» газетасининг 28-сонида ёш тадқиқотчи Халим Сайид кичик сўзбоши билан қайта чоп этди. Хикоя Х. Сайид нашри асосида тайёрланди.